

Oriental Journal of Philology**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**THE GRATITUDE CATEGORY AND ITS RELATIONSHIP WITH RELATED EVENTS***Mirjalol Olimovich Ziyaev**Lecturer**“Mendeleev” private school**Fergana, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: category of gratitude, politeness, category of politeness, speech act, speech etiquette, speech acts of gratitude.

Received: 19.06.23**Accepted:** 21.07.23**Published:** 23.07.23

Abstract: In this article, aspects of the communication category of gratitude and its related categories, in particular, politeness, were highlighted, and the relationship between these two categories was established. Also, the function of speech etiquette of units expressing gratitude and the purpose of it was revealed.

МИННАТДОРЧИЛИК КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЁНДОШ ХОДИСАЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ*Миржалол Олимович Зияев**Ўқитувчи**Менделеев хусусий мактаби**Фаргона, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: миннатдорчилик категорияси, хушмуомалалик, хушмуомалалик категорияси, нутқий акт, нутқий этикет, нутқ одоби, миннатдорчилик нутқий актлари.

Аннотация: Ушбу мақолада миннатдорчилик коммуникатив категориясининг унга ёндош категориялар, хусусан, хушмуомалалик билан боғлиқлик жиҳатлари ёритилди, бу икки категориянинг ўзаро алоқаси асосланди. Шунингдек, миннатдорчиликни билдирувчи бирликларнинг нутқий этикет вазифасини бажариши ва ундан қўланган мақсад моҳияти очиб берилди.

КАТЕГОРИЯ БЛАГОДАРНОСТИ И ЕЕ СВЯЗЬ С СООТВЕТСТВУЮЩИМИ СОБЫТИЯМИ*Мирджалол Олимович Зияев**преподаватель**Менделеевская частная школа**Фергана, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: категория благодарности, вежливость, вежливости, речевой акт, речевой этикет, речевой этикет, речевые акты благодарности.	Аннотация: В данной статье были выделены аспекты коммуникативной категории благодарности и связанных с ней категорий, в частности, вежливости, а также установлена взаимосвязь между этими двумя категориями. Также выявлена функция речевого этикета единиц выражения благодарности и цель его.
--	---

КИРИШ

Миннатдорлик ҳисси инсон табиатида хос туйғу саналади. Аммо бу туйғу ўтиб кетадиган, инсоннинг коммуникатив мақсади асосида ҳосил бўладиган ҳиссиёт эмас. Миннатдорлик ҳиссий муносабат шаклида намоён бўлиши сабабли ҳар бир тилда унинг ўзига хос ифодаланиш усуллари, тил воситалари мавжуд. Бу ҳолат мазкур ҳодисанинг нафақат универсал, балки миллий-маданий характер касб этишини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга миннатдорчилик билдиришда барча халқлар амал қиладиган куйидаги умумий тамойиллар ҳам кузатилади: 1) яхшилик қилиш, эҳтиром, мурувват, ёрдам кўрсатиш заруратини англаш; 2) яхшилик қилиш, эҳтиром, мурувват, ёрдам кўрсатиш ҳиссини ўзида туйиш; 3) қилинган яхшилик, кўрсатилган эҳтиром, мурувват, ёрдамни эътироф этиш; 4) яхшилик, кўрсатилган эҳтиром, мурувват, ёрдамга қалбан миннатдорчилик ҳиссини туйиш; 5) яхшилик, кўрсатилган эҳтиром, мурувват, ёрдамга миннатдорчилик билдириш лозимлигини англаш ва уни нутқда ифодалаш кабилар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Айрим манбаларда миннатдорчилик категорияси субкатегория сифатида талқин қилиниши кузатилади. Маълумки, миннатдорчилик нутқий актлари ижобий муносабатни ифодалашга қаратилганда хушмуомалалик юзага чиқади. Бу ҳолат баъзи тилшуносларнинг миннатдорчилик коммуникатив категориясини хушмуомалалик доирасидаги субкатегория ҳисоблашларига сабаб бўлган. Жумладан, С.Краеванинг фикрича, миннатдорчилик категорияси хушмуомалалик категориясига тегишли субкатегория бўлиб, турли лингвомаданиятларда унинг лексик-грамматик, интенционал ва ситуатив даражаларга кўра умумий белгиси қайд этилади.

Коммуникатив сатҳда миннатдорчилик категорияси хушмуомалалик билан ёндош, у билан ёнма-ён юривчи категория сифатида намоён бўлади. Мулоқот жараёнида миннатдорчилик нутқий актининг самимий тарзда ифодаланиши хушмуомалаликни юзага келтиради. Самимийликка, ўзаро ҳурмат, ишончга асосланган миннатдорчилик ифодаси инсонда мулоқотдошидан, унинг ҳатти-ҳаракатидан қониқиш, миннатдорлик ҳисси ҳосил бўлганлигини англатади. Бундай миннатдорчилик ифодаси хушмуомалаликка асосланади

ва мулоқотнинг келгусида давом этирилишини олдиндан кафолатлайди. Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, миннатдорчилик хушмуомалаликка асосланади, уни юзага чиқаради.

Масалан:

– *Мен ҳали ҳам сизни валинеъматим деб тан олурмен! – деб шивирлади. – Оҳ, қани ўша давр-у давронларимиз? Агар мен сизга керак бўлсам, чорланг, ернинг остидан бўлса ҳам ҳузурингизга етиб келурмен!*

– *Яхшилик йўлидан юрсангиз, бир кун яна учрашгаймиз. Унутмаганингиз учун ташаккур! Бу ташаккур – унинг Қорачахонни кечиргани эди.* (П.Қодиров. “Хумоюн ва Акбар”)

Берилган матндан англашиладики, инсон томонидан билдирилган самимий миннатдорчилик хушмуомалалик учун ҳам хизмат қилган.

Худди шундай, миннатдорчилик акти жамиятда қабул қилинган нутқий этикетлардан ташкил топганда ҳам хушмуомалалик ёрқин ифодаланади. Қуйидаги матнга эътибор қаратамиз:

– *Ассалому алайкум, келин сало-о-ом!*

Келинчак оҳиста бош эгди. Ҳовлидагилар чекка-чеккадан маъқуллаб жавоб қилишди:

– ***Барака топсин!***

– ***Раҳмат.***

– ***Қўшгани билан қўша қарисин.*** (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Ушбу матнда қўлланган келинсаломи удуми вақтида келиннинг саломига нисбатан айтилган *Барака топсин!*, *Раҳмат*, *Қўшгани билан қўша қарисин* жумлалари миннатдорчилик нутқий актини ҳосил қилиш билан бирга хушмуомалалик учун ҳам хизмат қилган. Ўзбек аёллар томонидан айтилаётган бундай жумлалар келин томонидан кўрсатилган эҳтиромга нисбатан миннатдорлик ҳиссини ифода этиш билан бирга, хушмуомалаликни ифодалашда қўлланадиган, айтилиши одат тусига айланиб қолган жумлалар ҳисобланади.

Баъзан миннатдорчилик акти фақат хушмуомалалик учун нутқий этикет бирлиги сифатида қўлланилиши ҳам мумкин. Масалан:

Ўқиш дарси эди. Доскага чиқдим.

– *Ўқи, – деди Рисолат опа журнални очиб.*

... *Ўқиб бўлдим-у Рисолат опанинг “Ўтир” дейишини кутиб туравердим. У бўлса индамайди. ... Охири бўлмади. Аввал секинроқ, кейин қаттиқроқ йўталдим.*

– *Ўқи, – деди у ҳамон деразадан кўз узмай.*

– *Бўлдим, – дедим секин. – А? – Рисолат опа чўчиб уйғонгандек бошини бурди.*

– *Бўлдингми? Ўтир, раҳмат.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Матндан кузатиладики, Рисолат опа ўқувчиси ўқиган матнни эшитмади ҳам, аммо унга нисбатан нутқий этикет қондаси нуқтаи назаридан хушмуомалаликни ифодалаш мақсадида *раҳмат* сўзини қўллаган.

Аммо миннатдорчилик категорияси бирликлари ҳар доим ҳам хушмуомалалик учун хизмат қилади деб айта олмаймиз. Миннатдорчилик нутқий актлари орқали ижобий ҳиссий муносабат ифодалагандагина хушмуомалалик юзага чиқади. Бундай нутқий актлар орқали сўзловчининг салбий баҳо муносабати ифодаланганда хушмуомалалик ҳақида гапириб бўлмайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, миннатдорчилик категорияси бирликлари ҳисобланган нутқий актлар сўзловчининг ижобий ва салбий баҳо муносабатини акс эттиришига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Ижобий муносабат ифодаловчи миннатдорчилик нутқий актлари.
2. Салбий баҳо муносабатини ифодаловчи миннатдорчилик нутқий актлари.

Ижобий муносабат ифодаловчи миннатдорчилик нутқий актлари сўзловчининг самимий миннатдорлик ҳиссини акс эттиради. Салбий баҳо ифодаловчи миннатдорчилик нутқий актларидан сўзловчининг норозилиги, эътирози, ғазаби кабиларга асосланган “миннатдорлик” ҳисси англашилади. Қиёсланг:

1. Ижобий муносабат ифодаловчи миннатдорчилик нутқий акти:

– *Зўраҳон, қизим! – деди атласнинг қатини очибРобия иккалангга бир хилда кўкрак бурма кўйлак тикиб бераман. Байрамда бир ўйнанглар!*

– *Раҳмат, ойижон! – Зухра келин пирпираб турган юпқа лабини тишлаб ерга қаради.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

2. Салбий баҳо муносабатини ифодаловчи миннатдорчилик нутқий акти: – *Чарчамаяпсизми? – Раҳмат, сиз сўрагандан бери! – дедим энсам қотиб.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Мисоллардан англашиладики, миннатдорчилик категорияси ҳар доим ҳам хушмуомалаликни ҳосил қилавермайди. Шунга кўра ушбу категорияни хушмуомалалик доирасидаги субкатегория деб ҳисоблаш унчалик тўғри бўлмайди.

Миннатдорчилик билдиришда унинг характери ҳам муҳим. Миннатдорчилик қуюқ, оддий, совуқ тарзда билдирилиши мумкин. Қуюқ миннатдорчилик самимийликни ёки хушомад қилишни англатади. Масалан:

1. *Раисимиз ҳар кўрганда тўхтаб, кўришиб-сўрашади. Раҳмат, ука, раҳмат, дейди.*

Элнинг хизматини қиляпсан, дейди. Елкамга қоқиб-қоқиб қўяди. (Т.Мурод. “От кишнаган оқшом”)

2. – *Ассалому алайкум, андижонлик йигит ўзларими? ...*

– *Ҳа, мен, хуш келибсиз, ичкарига марҳамат.*

– Йўқ, **раҳмат**. *Ҳожидан тани йўқлаб кирувдим, бир ватандош келган деб қолди, шунга кўришиб кўяй дедим, айбга буюрмайсиз.* (Қ.Кенжа. “Палахвон тошлари”)

Биринчи матнда миннатдорчилик куюқ ифодаланган. Миннатдорлик ҳиссининг такрор қўлланган **раҳмат** сўзи воситасида ифодаланиши ҳамда мулоқотдоши “елкасига қоқиб-қоқиб кўйилиши” ижобий ҳиссий муносабатнинг “куюқ” ифодаланганлигини англатади.

Иккинчи матнда рад этилган таклифга нисбатан **раҳмат** сўзи ёрдамида нутқий этикетга амал қилинган ҳолда оддий миннатдорчилик ифодаси акс этган.

Совуқ тарзда билдирилган миннатдорчилик бепарқликни англатиши ёки сохта бўлиши мумкин. Бундай миннатдорчилик мулоқот муҳити, нутқ эгаларининг кайфияти, соғлиғи кабилар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Масалан:

НАРИМОН (бепарволик билан). *Шошманг, Мадинахон, шошманг! Ҳали кўп гаплашамиз. Вазангиз борми?*

Мадина ижирганиб ваза олиб чиқади. Наримон пакетдан олма, анор, узум, ананас, банан, апельсин олиб вазага солади. Бошқа пакетдан ароқ, коньяк, виски, шампан, шоколад чиқаради. Чиройли, катта гулдастани тавозе билан Мадинага узатади. Мадина гулни хохламайроқ олади.

МАДИНА. **Раҳмат**. *Биласизми, мен сизга бир нарсани...*

НАРИМОН. *Шошманг асалим, шошманг! Ҳали кўп гаплашамиз деяман-ку! Аввал манавиларни тартибга келтириб олайлик. Бундаа-ай одамларга ўхшаб яйраб ўтирайлик. Илтимос, рюмкаларни олиб чиқсангиз.* (Ў.Ҳошимов. “Тўйлар муборак”)

Ушбу матнда Мадина нутқида қўлланган “**Раҳмат**” нутқий актини совуқ тарзда билдирилган миннатдорчилик акти деб ҳисоблаш мумкин. Мадинанинг ижирганиб ваза олиб чиқиши, Наримон тутган гулдастани хохламайроқ олиши эпизоди унинг Наримонга совуқ муносабатда эканлиги, миннатдорчилик акти ҳам шу муносабатга асосланганлигини англатади.

Миннатдорчилик ҳисси сўзловчининг ўзи номидан ёки ўзгалар номидан ифодаланиши мумкин. Миннатдорчилик сўзловчи номидан билдирилганда у миннатдорчилик субъектига айланади. Миннатдорчилик субъекти ўзга кишилар бўлганда ҳам, уни етказувчи сўзловчининг ўзи бўлади. Масалан, қуйидаги нутқий актда лагер маъмуриятининг миннатдорчилик муносабати сўзловчи томонидан ифода этилган:

– *Ўртоқ Хусанхўжаев, – деди лагер бошлиғи. – Сиз озодсиз. Лагер маъмурияти номидан ҳалол меҳнатингиз учун сизга миннатдорчилик билдираман.* (Ў.Ҳошимов. “Танланган асарлар”)

Миннатдорчилик категорияси турли тилларда миннатдорчиликни ифодаловчи махсус бирликлар орқали воқеланади. Бундай воситалар, миннатдорчиликни ифодалаш усуллари ҳамда миннатдорлик ҳиссини ифодалашга миллий-маданий жиҳатдан ёндашув турли тилларда фарқланади. Масалан, ўзбек халқида оилада ота-онага кўрсатилган хизмат, эҳтиром ёки ака-ука, опа-сингилларнинг бир-бирига қилган ёрдами, эътибори учун миннатдорчилик билдириш шарт ҳисобланмайди. Бундай “яхшилик” халқимиз онгига бурч, одатий вазифа сифатида сингиб кетган. Қуйидаги матнда миллий қадриятга айланган бу ҳолат бадиий тасвир объектига айланган: *Кимсан акам дарров обдастада илиқ сув тайёрлайди. Кўчадан кириб келган бобомга сув қуйиб туради. Бобом раҳмат дейиши ўрнига жеркади: – Эшакни сугормайсанми!* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Берилган парчадан англашиладики, ўзбек халқи маданиятида кўчадан кириб келган ота ёки она қўлига обдастада сув қуйиш фарзанд бурчи сифатида қабул қилинади. Шу сабабли кўрсатилган бундай хизмат турига миннатдорчилик билдиришга зарурат бўлмайди. Асарда тасвирланган воқелик 9 ёшлар чамасидаги қизча томонидан ҳикоя қилинган бўлиб, у ҳали ўзбек халқининг бундай анъаналари, қадриятларидан беҳабар. Шу сабабли нутқида “*Бобом раҳмат дейиши ўрнига жеркади*” жумласини қўллайди.

Бу каби миллий қадрият турига айланган одатлар бошқа халқларда ҳам кузатилади. Н.Т.Абидова, М.Ю.Мурзакановаларнинг қайд этишича, рус халқида ҳам муайян вазиятларда оилада ёки дўстлар даврасида кўрсатилган ёрдамга миннатдорчилик ифодалаш шарт бўлмайди, чунки бу оддий ҳолат саналади. Аммо ишхонада ҳамкасблар муносабатида ёки кўча-кўйда ўзгалар томонидан кўрсатилган яхшилик, ёрдам, эътибор, бирор хизмат учун, албатта, миннатдорчилик изҳор этилади.

Эрон ва рус тилларида миннатдорчилик нутқий актларининг лингвомаданий хусусиятларига тавсиф берар экан, А.Носрати эронликлар рус халқидан фарқли тарзда миннатдорчиликни кўп сўзлилиқ шаклида ифодалашлари ҳамда унга эрон одоб этикетлари формасидаги *taārof* ва бошқа репликаларни қўшишларини кўрсатади.

О.М.Мунгалованинг маълумот беришича, испан маданиятида миннатдорчиликнинг вербал тарзда билдирилиши ёки билдирилмаслиги, биринчидан, нутқ эгаларининг ижтимоий роллари билан боғлиқ. У ёки бу ролнинг одатий бажарилиши ҳақидаги тасаввурлар стереотипларга айланган ва рол ижросининг ажралмас қисмини ташкил қилади. Асимметрик муносабатларда, масалан, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида “мижоз – хизмат кўрсатувчи шахс” муносабатида миннатдорчилик ҳар доим ролига қарам кишилар – такси ҳайдовчиси, темир йўл тафтишчиси, сотувчи, саргарош, официант кабилар томонидан билдирилади. Яъни “мижоз – хизмат кўрсатувчи шахс” асимметрик муносабатида нутқий алоқа қуйидагича яқунланади: хизмат кўрсатувчи шахс

миннатдорчилик билдиради, мижоз эса чиқиш ва ўзаро алоқада *Vale (Яхши), Adios (Ҳайр)* нуткий формаласидан фойдаланади.

Ўзбек маданиятида эса, аксинча, мижоз кўрсатилган хизмат учун хизмат кўрсатувчи ходимга миннатдорчилик билдиради.

Англашиладики, турли халқларда миннатдорчилик категориясининг ўзига хос тарзда воқеланиши унинг миллий-маданий хосланганлигини англатади. Шу жиҳатдан ҳам ҳар бир тилда миннатдорчилик ифодаланишини маданиятнинг ўзига хос ифода шакли сифатида баҳолаш мумкин бўлади.

ХУЛОСА

Хуллас, миннатдорчилик категорияси инсонда бирор бир яхшилик, ёрдам, эҳтиром, эътибор кабиларга нисбатан жавоб реакцияси сифатида ҳосил бўладиган эмоционал туйғуни акс эттирувчи коммуникатив категориядир. Ушбу категория нутқда миннатдорчилик нуткий актлари орқали воқеланади. Миннатдорчилик нуткий актларида бирвақтда халқнинг мулоқот одоби, нутқ маданияти, нуткий этикет қоидалари ҳам намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Краева С.С. Лингвопрагматические особенности речевого жанра благодарность: Дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2015. – С. 4.
2. Абидова Н.Т., Мурзаканова М.Ю. Речевой акт благодарности в межкультурной коммуникации (на примере русского, кабардинского и английского языков) // https://api-mag.kursksu.ru/media/pdf/027-001_h00ZgIV.pdf
3. Носрати А. Речевой акт благодарности в русской и персидской лингвокультурах // Вестник Пермского университета. Российская и зарубежная филология. Т. 14. Вып.2. – Пермь. 2022. – С.54.
4. Мунгалова О.М. Речевой акт «благодарность» в пиренейском варианте испанского языка // Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Отв. ред. В.В. Красных, А.И. Изотов. – М.: МАКС-Пресс, 2000. – Вып. 15. – С.37-42.